

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ

22 **Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда
жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича
йўриқномага ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1653-1*

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2, 1-сон қарори (рўйхат рақами 1653, 2007 йил 15 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Ижро ҳаракатлари амалга оширилаёт-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 17 мартдан кучга кириди.

Адлия вазири

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 декабрь,
5-сон

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 декабрь,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирилиги ва Ички ишлар
вазирилигининг 2016 йил 28 декабрдаги
5, 42-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда
жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича
йўриқномага киритилаётган ўзгартишлар**

1. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол фақат «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қўлланилади».

2. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ижро (ҳаракатлари амалга оширилганда ёки уларни амалга оширишнинг имконияти бўлмаганда) иши юритуви тамомланганидан сўнг, бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатномада ички ишлар органлари ходимларининг иштироки тўғрисида қайд этилиб, шунингдек ички ишлар органи ходимлари томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ички ишлар органи ходимларига берилади».

3. Мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган.

Олий суд раиси

Ш. ГАЗИЕВ

2016 йил 20 декабрь